




ТОШКЕНТ ОЖШОМИ



XXI аср сароси
Барча манбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари Сейкен Сугиурага қабул қилди. Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ҳамда истиқболли, ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

• Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш ва кредитлаш бўйича ишчи гуруҳининг ҳисоботи тинланди.

• Мамлакатимизда оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш, репродуктив саломатлигини сақлаш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. «Фаргона вилоятида хотин-қизларнинг репродуктив соғлиги ва репродуктив ҳуқуқлари» мавзусидаги халқаро конференцияда бу борада амалга оширилган тадбирлар таҳлил қилинди.

• Тошкентдаги Миллий матбуот марказида АКШнинг мамлакатимиздаги Тинчлик корпуси кўнгилчиларининг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

• Эрон Ислам Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Оролбўйи аҳолисига инсонпарварлик ёрдами ажратди. Сув насослари ва дори-дармондан иборат бу ёрдам «Экосан» халқаро хайрия жамғармаси орқали Оролбўйи аҳолисига етказилди.

• Фаргона вилоятида қизин давом этаятган «Умид ниҳоллари» спорт уйинлари доирасида мусобақалардан ташқари турли маданий тадбирлар ҳам уюштирилмоқда. Жумладан, ҳуқуқ лицейида халқаро конференцияда бу борада амалга оширилган тадбирлар таҳлил қилинди.

• Навоий шаҳридаги «Ўзбекистон» кинотеатри майдонида бўш иш ўринлари ямаркаси бўлиб ўтди.

• Тошкент Давлат юридик институтига Ўзбекистон Республикаси молия қўнуқлини тақомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

• «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича «Илмий энг яхши ўқувчиси» республика танлови бошланди.

• Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Сув муаммолари институтига интернет тизимига уланган компьютер технологиялари тўпламини тақдим этди.

• Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси наشريёти қорақалпоғистонлик шоир Янгибой Қўчқоровнинг «Асрларнинг армони» номли шеърый тўпламини муштарийларга тақдим этди.

• Ўзбекистон Бадий академиясини Замоновий санъат марказида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Фан ва таълим маркази, ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари ўртасида ҳар йилги анъанавий «Камалак жилоси» расмлар кўрғамаси танлови ўтказилди.

• Пойтахтнинг Талабалар шаҳарчасидаги маданият саройи бир неча кун мобайнида республикамиз олий ўқув юртиларидан келган ёшлар театр-студияси билан гаўжум бўлади. **Кеча** навбат Самарқанд Давлат университети талабаларига берилди. Улар «Бехбудий» шеърый-тарихий трагедиясини йиғиланлар эътиборига ҳавола эттишди.

Жаҳонда

• Сухумида бўлиб ўтган Грузия—Абхазия музокаралари натижасиз якулланди. Бу ҳақда Абхазия ҳукуматининг матбуот котиби Зоир Цвижба хабар берди.

• Фаластин — Исроил ўртасидаги иттилоқларни юмшатиш ва дўстона музокаралар ўтказишни ташкиллаштириш учун Япония восталик хизматидаги тақдирли тақдирли Япония ташқи ишлар вазирлиги Иорико Кавагучи тинчлик музокаралари Японияда ўтказилишига қадам қўймоқда.

• Страсбург шаҳрида Европа Иттифоқининг парламент ассамблеяси ўз ишини давом эттирмоқда. Йиғинда халқаро хавфсизликни таъминлаш, унда Европанинг тугатилган давлатлараро сийёси ва иқтисодий муносабатлар билан бир қаторда халқаро террорчиликка қарши бирлашиб кураш олиб бориш, уюшган жиноятчилик ҳамда наркотиқ бизнесининг инсоният тақдирига халф солаётган масалалар муҳокама қилинмоқда.

• Европа Иттифоқининг ташқи сийёсат бўйича мувофиқлаштирувчиси Хавьер Солана бошчилигидаги мазкур ташкилот делегацияси Фаластин раҳбари Ёсир Арофат билан музокара ўтказди. Унда Яқин Шарқдаги кескинлики бартараф этиш ҳамда Исроил билан Фаластин муқорияти ўртасидаги мўлжалланган музокараларни тезлаштириш каби муаммолар устида сўз юритилди.

• Россия Федерацияси Президенти вакилининг билдиришича, Чеченистонда жангарилар раҳбарлиги қилаётган халқаро террорчи, асли араб миллатига мансуб Хаттаб федерал қучлар томонидан йўқ қилинган. Россия хавфсизлик федерал хизматининг маҳкамасида ушбу воқеани тасдиқловчи ҳужжатлар маъжудлиги хабар қилинди.

• Афғонистон муваққат ҳукумати покотистонлик 30 нафар маҳбусни расмий Исламобод иختиёрига топширди. Жиноятчилар ўтган йили Афғонистон шимолида кечган жанглардан бирида қўлга олинган эдилар.

• **Кеча** эрталаб Красноярск ўлкасида «Ми-8» вертолёт халокатга учради. Натижада 7 киши, шу жумладан, ўлка губернатори Александр Лебедь ҳам халок бўлди. 12 йўловчи ва экипаж аъзолари оғир аҳволда касалхонага ётқирилди.

• Афғонистон раҳбарияти мамлакатдаги йирик гиёҳандлик бозорини тор-мор этди. Бу ҳақда Afghan Islamic Press агентлиги хабар тарқатди. Агентлик манбаларида қайд этилишича, Жалолободдан 45 километр узоқликда жойлашган Шинвардаги Фани-Хел бозоридан 4 тоннага яқин героин ҳам ашёси мусодара қилинган.

• Туркия жандармериясининг харбий базасида содир бўлган портлаш натижасида уч киши халок бўлди. Портлаш Анкара шаҳри атрофидаги харбий базасида жанговар қурол-аслаҳаларни машинага юклаётган пайтда эҳтиёсизлик туфайли юз берди.

САФАРДАГИ АЖОЙИБ ҒАЛАБА

Мамлакат XI миллий чемпионати «Пахтакор» жамоаси иштирокчиларини беҳад қувонтирмоқда.

ЎТГАН КУНИ

Чемпионатнинг 7-тур беллашувларида «Сўздиёна» меҳмони бўлган пойтахтнинг бош жамоаси футболчилари ажойиб ўйин намойиш этиб Леонид Кошелев, Немайтилла Қуттибоев ва Гоҷул Гочкулевларнинг рақиблар дарвозасига йўллаган унча гаваҳсиз голларидан сўнг сафарда яна йирик ҳисобдаги ғалабага эришилди. Пахтакорчиларнинг ушбу мавсумда жамғарган очколари 21 га етди. Қолган учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди. «Насаф» — «Трактор» 3:0, «Қўқон» — «Самарқанд-Динамо» 1:1, «Зарафшон» — «Бухоро» 1:2, «Дўстлик» — «Машал» 2:0, «Нефтчи» — «Андижон» 2:1, «Қизилқум» — «Металлург» 1:2, «Сурхон» — «Навбахор» 1:2. Навбатдаги 8-тур учрашувлари 4 май куни бўлиб ўтди. **(Ўз муҳбиримиз)**

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 49 (9.699) 2002 йил 29 апрель, душанба Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН — ЭРОН: ЯНГИ ШАРОИТДАГИ ЯНГИЧА МУНОСАБАТЛАР

Аввал хабар қилингандек, ўтган жума куни Эрон Ислам Республикаси Президенти Сайид Муҳаммад Хотамий расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Пойтахтимиздаги «Дўрмон» қароргоҳида Эрон Президентини расмий қутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қорувол саф тортди. Ислам Каримов ва Муҳаммад Хотамий шохсулага кўтарилди. Давлат мадҳиялари янгради. Қароргоҳда аввал президентлар яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида ўзаро муносабатларга оид масалаларнинг кенг қамровли муҳокамаси бўлиб ўтди. Ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқбол юзасидан фикр алмашилди. Томонлар савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга, транспорт коммуникацияси ва сармоя соҳаларидаги ҳамкорликни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек, халқаро миқёсдаги масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Жумладан террорчилик муаммоси, Афғонистонда барқарорликнинг мустаҳкамлашиши, иқтисодийнинг тикланишига оид масалалар кўриб чиқилди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида Ўзбекистон билан Эрон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик алоқаларига оид масалалар муҳокама этилди. Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг имкониятлари кўплиги, икки давлат ўз салоҳиятини тўлалигича ишга солиб, алоқаларни янги босқичга кўтарса, бундан нафақат Ўзбекистон ва Эрон, балки минтақадаги кўплаб бошқа мамлакатлар ҳам фойда кўриши қайд этилди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон — Эрон иқтисодий ҳамкорлигининг салмоқли қисми транспорт коммуникацияси соҳасига тегишлидир. Ўзаро алоқалар, айниқса, шу соҳада кенг ривожланимоқда. 1996 йилда Ўзбекистон Эрон ҳудуди орқали 34 минг тонна юк ташиган бўлса, 2001 йили бу борадаги кўрсаткич 487 минг тоннани ташкил этди. Ўзбекистон ҳудуди орқали эса ўтган йили Эроннинг 750 минг тонна транзит юки олиб ўтилган.

Бевосита савдо-иқтисодий муносабатларга келсак, мамлакатимизда эллика яқин Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонаси ишлаб турибди. Уларнинг аксарияти тўлалигича Эрон ишбилармонлари сармояси ҳисобига барпо этилган ва асосан ишлаб чиқариш билан шуғулланиди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Утган йили бу борадаги кўрсаткич 11 фоизга ошди.

Музокараларда бундай ютуқлар мамнуният билан таъкидланиб, эндиликда транспорт коммуникацияси билан бир қаторда, банк, молия соҳаларида, чегарадан ўтишга доир ҳужжатларни расмийлаштириш ва ўзаро тўловларни соддалаштириш борасида ҳам ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

Мамлакатимиз Жануби-шарқий Осиё минтақасига асосан Эроннинг Бандер Аббос ва Чообаҳор портлари орқали чиқади. Айни пайтда Эронда йўл инфратузилмаларини ривожлантириш борасидаги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ишлар ниҳоясига етганидан кейин Ўзбекистоннинг деңизга олиб чиқадиган йўл минг километрга қисқаради.

Шунингдек, ҳозир Афғонистон орқали қатновларни йўлга қўйиш долзарб масалага айланган. Гап Термиздан Афғонистоннинг

Мозори Шариф ва Ҳирот шаҳарлари орқали Эронга туташадиган йўл ҳақида кетяпти. Албатта, бу йўлдан биринчи гада Афғонистон катта фойда кўради. Минглаб одамлар ишга жалб этилади, катта-катта сармоя маблағлари ўзлаштирилади. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етганидан кейин Афғонистон транзит солиғи олиш билан бирга, катта миқдордаги иш кучини янги йўл инфратузилмасига жалб этиши мумкин.

Музокаралардан кейин ўтказилган матбуот анжуманида Президент Ислам Каримов таъкидлагандек, шу боис ҳам Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Хамид Карзай мамлакат ҳудудида халқаро транспорт коммуникацияси тизимининг янги тармоғи барпо этилишини қизғин қўллаб-қувватламоқда. Афғонистон орқали ўтадиган йўлларнинг Ўзбекистон ва Эрон учун нечоғли фойдалилигини эса гапиришга ҳожат йўқ.

Музокаралар якунида Ислам Каримов ва Муҳаммад Хотамий Ўзбекистон ва Эрон президентлари ўртасидаги музокаралар якуни юзасидан қўшма баёнотга имзо чекиди. Мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама солиққа тортилишга йўл қўймаслик, даромад ва сармоя солиқларига тааллуқли маълумотларни алмашиш, транспорт воситаси ҳайдовчилари учун виза масалаларини енгиллаштириш, ташқи сийёсат ва ташқи иқтисодий алоқалар маҳкамалари ўртасида, шунингдек, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан Эроннинг Савдо, саноат ва тоғ-кон саноати палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Матбуот анжуманида Ислам Каримов Эрон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи нафақат икки томонлама алоқалар, балки минтақавий интеграция ривожига муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Эрон томони эса ушбу ташрифи ўзаро муносабатлардаги бурилиш нуқтиси деб атади.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон — Эрон муносабатлари ҳуқуқий асосининг бойиши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон билан Эрон дунёда юзага келаётган янги шароитда янги муносабатларни қарор топтирмоқда.

Эронлик олий мартабали меҳмон пойтахт марказидаги Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди. Муҳаммад Хотамий улуғ саркарда Амир Темура ва унинг авлодлари ҳаётига оид экспонатларни кўздан кечириб эган, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий қадриятларини тиклаш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Соҳибқирон номи билан аталувчи музейнинг бунёд этилиши ҳам ана шундай хайрли ишлар сирасидандир.

Эрон Президенти ўз ташрифи доирасида Ўзбекистон Фанлар академиясида шарқшунос олимлар билан учрашди. Учрашувда «Цивилизациялар мулоқоти ва Шарқнинг ривожланиши» мавзусида гап борди. Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ Янгиликлар, воқеалар

Қўшма корхоналарда

Пойтахтимиздаги «ТУФИН» Ўзбекистон — Исроил қўшма корхонасининг шириндан шакар маҳсулотлари Россия, Исроил ва бошқа давлатларга экспорт қилиниши билан ҳам ажралиб туради.



ларидан фойдаланилаётгани ҳам уларнинг сифатига ижобий таъсир этиб, харидорларга маъқул келмоқда. Сифатли маҳсулотни харидорга етказишда уларнинг қандайд қадоклалиши ҳам муҳим роль ўйнайди. Ана шуну ҳисобга олган корхона ахли чет элдан келтирилган қадоклаш ускуналаридан унумли фойдаланиб, маҳсулотларни бежирим, чиройли, энг муҳими талаблар даражасида қадокламоқда.

— Утган йилда 400 тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 90 минг долларлик ширинликларимизни хорижга экспорт қилдик, — дейди корхона раҳбари Эркин Мусаев. — Бу йилги режими эса ундан ҳам юқориқор. Уни

Харидорлари кўпаймоқда

Бунга асосий сабаб корхона тадбиркорларининг бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш юритиб, маҳсулотларнинг бозорини, харидорлариди ва эҳтиёжига мос равишда ишлаб чиқараётганидир. Маҳсулот турлари эса йилдан йилга ортиб, ҳозирги кунда 150 хилга етди. Шу билан бирга олинган фойда ҳисобидан корхонада янги цехлар очилиб, улар Исроил ва Германиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланди. Натижада корхона 4,5 баравар кенгайиб, унда фаолият кўрсатаётган ишчилар сони ҳам маҳаллий ёшлар ҳисобидан 500 нафарга етди.

Албатта, маҳсулот турларини кўпайтиришда маҳаллий хом ашё юртимизнинг мева-

амалга ошириш йўлида ҳар бир ҳодимимиз сийҳидилдан меҳнат қилмоқда. Меҳнат шариғатимиз ҳам даромадга яраша бўлмоқда. Яна шуну айтишимиз лозимки, Россиянинг Иркутск шаҳрида очилган қўшма корхонага таъсисчи бўлди. Бундан кейин ҳам ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқада бўлишга интиламоқда. Хитойдан янги қадоклаш ускунасини олиб келиб ўрнатмоқчимиз. Бу, албатта, маҳсулотларимиз ташқи кўринишининг янада сифатли ва чиройли бўлишига эришишидир.

Энг муҳими эса бугун мамлакатимизда «Туфин» маҳсулотларининг ўз харидорлари бор ва улар ушбу маҳсулотларни севиб харид қилишмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА



СУРАТЛАРДА: Мухайё Мирмахмудова ва Гўзал Обидовалар ўзлари тайёрлаган ширинликларидан барча тановул қилиниши хоҳлашади; бригада бошлиғи, моҳир қандолатчи Оксана Пашаева (чапдан биринчи) шогирдларидан ўз маслаҳатларини асло аямаяди. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

«УМИД НИХОЛЛАРИ — 2002»

Ҳамшаҳарларимиз муваффақияти

Илгари хабар берганимиздек, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида Фарғона шаҳрида ўтаётган «Умид ниҳоллари — 2002» мусобақалари тобора қизгин паллага кирмоқда. Утган тўрт кун давомида айрим спорт турлари бўйича ғолиблар аниқланган бўлса, қолганлари бўйича ҳам энг кучлилар сараланмоқда.

«Дельфин» мажмуасида биринчи бўлиб сузувчилар мусобақа ғолибларини аниқлашди. Бу борада тошкентлик ва навоийлик спортчилар мусобақаларга энг яхши тайёргарлик кўрганликларини намойиш этиб медаллар шодасини қўлга киритишди. Хусусан, 50 метрга эркин усулда сузишда ҳамшаҳарларимизга дастлабки олтин нишонин Марина Булгакова келтирди. 100 метрга брас усулида сузиш баҳсларида Регина Селимгариева, 200 метрга чалқанча сузишда Анна Шеглова ва Дмитрий Логинов, қизлар ўртасида 400 метрга

саралаш гуруҳидаги барча уччала уйини ғалаба билан якунлаган, хусусан, охириги учрашувда андижонликларни 3:1 ҳисобида енгган тошкентлик ёш чарм тўп усталари тўртта энг кучли жамоа каторидан ўрин олдилар.

Баскетболчилар баҳсида самарқандлик ўсмирларни 95:77 ҳисобида енгган шаҳримиз вакиллари ярим финалга йўллана олишди. Шунингдек, баскетболчи қизларимиз, волейболчи ўсмирлар ва қизлар ҳам ярим финалда беллашадиган бўлишди.

Маълумки, Тошқоқ туманида ёшларнинг бирдамлиги ва дўстлиги рамизи ҳисобланмиш «Умид ниҳоллари» боғи ташкил этилиб, унга 2000 туп турли кўчатлар экилганди. Мусобақа қатнашчилари томонидан боғга янги ниҳоллар ўтказилди.

Ушбу марказларнинг фаолияти самардорлигини янада ошириш ҳамда ўза-

Миллатлараро тотувлик — барқарорлик омили

Мамлакатимиздаги тинчлик ва оқсоқилликнинг муҳим омилларидан бири миллатлараро тотувликдир. Табиийки, турли миллат вакиллари истиқомат қиладиган ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-сийёсий тараққиёти ва истиқболли миллатлараро муносабатлар барқарорлигига узвий равишда боғлиқ бўлади.

Тошкент шаҳрида миллий-маданий марказлар сони тобора кўпайиб бормоқда ва ҳозирда йиғирмадан ортиқ шундай марказлар ушбу қутлуғ гўшада истиқомат қиладиган миллатлар маданий, маърифий тараққиётини таъминлаш, уларнинг урф-одат, удув ва қадриятларини тиклаш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда. Бу хайрли ишлар эса ҳукуматимиз томонидан уларга нисбатан яратилаётган кенг ва қулай имкониятлар ҳамда шариғатлардан далолат беради.

Ушбу марказларнинг фаолияти самардорлигини янада ошириш ҳамда ўза-

ро алоқаларини мувофиқлаштиришда, шунингдек юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этиш борасида ёрдам бериш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Миллий маданий марказларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш тuzилди. Мазкур кенгашга Тошкент шаҳридаги турли миллий маданий марказлар раҳбарлари аъзо бўлди.

Яқинда Тошкент шаҳридаги миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Ақромов олиб борди. Йиғилишда кенгаш аъзолари ўз фаолиятлари юзасидан ўтган вақт мобайнида олиб борган ишлари, ютуқлар ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан чиқишлар қилдилар. Келажакда бажарилиши кўзда тутилаётган юмушлар ҳам режалаштириб олинди.

(Ўз муҳбиримиз)

«Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир».

Амир ТЕМУР

Агар таъбиримиз жоиз бўлса, буюк аждодларимиздан етишиб чиккан барча улугларимиз — муттасил эл-юрт тақдирини, мамлакат ҳаётига оид энг муҳим ҳаётий муаммоларнинг тўғри ечимлари устида ўйлаб фаолият кўрсатганлар. Мазкур ихомимиз бир маънода ўз халқимиз, ўз ватанимиз ҳақида гамхўрлик қилишдек олий мақсадни билдирса-да, аслида у — бутун инсоният тақдирига бориб тақаладики, донолар тафаккурида бу гоёт теран, кенг, умуминсоний маънавият негизини ташкил этади.

Эл-юрт тақдирини ўйлаб яшашнинг тармоқлари нақадар чексиз-чегарасиз — худди коинот сингари бош-у охирини белгилаб бўлмайдиган бир ҳаётий муаммодир. Бирок, инсониятдан тортиб барча жонот аввало тириклик манбаи бўлган моддий заминга интилади. Уни қўпайтириш, ривожлантириш эса фақат инсонларгагина хос бўлган энг олий сифат бўлиши — Маънавият деган гоёт Буюк Фазилатга боғлиқ бўлиб чиқади. Маънавият эса бутун инсоният жамияти тараққиёти жараёнларида шаклланиб, муттасил ривожланаётган энг ноёб кадрлар заминидан юксалиб боради. Хар бир давр улуглари унга, унинг энг нуфузли нукталарига ҳисса қўшиб боради. Бу узлуксиз давом этадиган жараён-дир... Амир Темур бобомиз ҳам жаҳонга донг таратган давлат тузумлари тажрибасидан баён қилган ўғитларида — ўзларидан илгари ўтган улугларнинг тарихи, тафаккури, фаолиятларини ўрганиб, улардан энг маъқул кўрганларига суяниб ишлаганларини таъкидлайди.

Моддий инсоният тараққиёти шу йўсинда яшашга маҳкум экан, Соҳибқироннинг биз юқорида келтирган фикрлари — айниқса «тадбиркорлик» билан «тадбирсизлик», «лоқайдлик» ҳақидаги мулоҳазалари орадан неча-неча асрлар ўтган бўлса-да, нега эскирмайдими? Бугун мазкур мулоҳазаларга мурожаат қилиш нега зарур бўлиб қолди? деган саволлар пайдо бўлиши мумкин.

Зеро, ўтмишсиз келажак йўқ экан, миллий ва умуминсоний кадрларга фақат бугунгина эмас, бундан кейинги барча даврларда ҳам юксак онгли табақа вакиллари муттасил мурожаат қилиб турадилар, бусиз ривожланишини ўзи бўлмайди...

Республикамиз Олий Мажлисининг Иккинчи қаҳриқ сазкизининг сессияси материаллари, сессияда Президент Ислам Каримовнинг нутқини ўрганиш, унда кўйилган масалалардан тўғри хулосалар чиқариш ва ҳаётга жорий этиш — бугунги кунимизда энг долзарб масалалардан бўлиб қолаётгани маълум. Бинобарин, Олий Мажлиснинг хар бир сессиясида кўрилган масалалар, қабул қилинган қонунларга риоя қилиб яшаш ва ишлагга чорлаш давлатимиз, раҳбариятимиз этибори марказида бўлиб келади. Гарчи Юртбошимиз нукталарида кўрлаб соҳаларга оид қанчадан-қанча масалалар устида таҳлил, мулоҳазалар ифода этилган бўлса, булар орасида тадбиркорликни, ишбилармонликни, кичик ва ўрта бизнесни тезорқ ривожлантириш, уларга раҳна солаётганларини йўлдан суғуриб ташлаш лозимлиги ҳақида алоҳида ургу билан баён қилиндики, бунга бирор софдил фуқаро бефарқ қарай олмайди.

Ана энди худди шу ерда «кўнгилдаги гапларимизнинг» энг муҳим нуктасига келишим. Нега дейсизми? Амир Темур бобомизнинг «тадбиркор» ва «ишбилармон»ларни нақадар улуглашлари-ю ҳатто уларнинг битта ўзини — минг-минглаб «тадбирсиз», «лоқайд» кимсалардан устун қўйиши ҳақида икки оғиз тўхтабмиз. Темур бобомиз мазкур ибораларни гоёт кенг маъноларда, жамият ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан харбий юришларда ҳам тадбиркор ва ишбилармонликсиз галабага эришиб бўлмаслигини теран уқтиради. Инсониятга моддий неъмат яратадиган тадбиркор — мамлакат мустақиллигини ва хавфсизлигини сақлашда ҳам хал қилувчи аҳамиятга эгадир. Мана бу фалсафий мушоҳадага эътибор қилинг: «Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин».

Хуллас, халқимиз ҳаётида, мамлакатимиз тақдирини тадбиркорлар, ишбилармонлар шу қадар муҳим ўринини эгаллаб экан, уларнинг фаолияти ривожига кимлар ёрдам бермоқда-ю кимлар тўсиқ бўлмоқда? Мана бу саволларга кейинги ўн йилликда муттасил аҳамият бериб келаётган давлатимиз сиёсатини кимлар кўрлаб-қувватлаётти, кимлар орқага тортаяпти? Ана шу саволлар барчамизни қизиқтиради. Агар таъбир жоиз бўлса, мустақиллик йилларимизда босиб ўтган тажрибаларимиз, бу соҳада Юртбошимизнинг фаолиятлари, хар муносабат билан чиқишларида бу сўроқларга жавоб топилади ва келажакдаги вазифалар ҳам аниқ кўриниш туради. Ўйлаб қарайлик, бундан ўн йил

илгари «тадбиркор» ёки «ишбилармон» ибораларини ҳаётда ҳам, бирон ахборот воситаларида ҳам учратмасдик. Шўролар даврида булар тақиқланган эди. Мазкур икки ибора аввало мулкчилик, айниқса хусусий мулкчилик йўлига мос келгани учун ҳам коммунистик қарашларга зид эди. Зеро, ўша «коммунизм» хусусий мулкларни батамом йўқ этиш заминини тасаввур этиларди. Ваҳоланки, дунё пайдо бўлгандан буён хусусий мулкдан воз кечадиган бирор кимсани бирор учратган эмас; учратган бўлса-да, улар руҳий хасталар орасида учраши мумкин. Ўша ҳаёлий жамиятни қуришга даъват этганлар қанчадан-қанча бойликларимизни талаганларини бизнинг ёшдагилар яхши билишади. Мана шу тартибга ўрганиб қолган ҳўжаликлардаги баъзи раҳбарлар ёки корхона-муассаса бошликларини орасида — ўз ўрнини тадбиркорга, ишбилармонга ёки фермерларга бўшатиб беришга жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатаётганлар — барча ишларимизга тўсиқлик қилмапти, деб ким айта олади? Ахир қанчадан-қанча тадбиркор фермерларимиз йил бўйи тинимсиз меҳнат қилиб, топан-туганларини топширгандан кейин нега суд-прокураторлар ёрдамисиз ҳақларини ололмади саргардон бўлишлари керак?! Шаҳарларда бир тадбиркор бирор кичик корхона очмоқчи бўлса, ақсарият ташкилотлардаги бўлимларда сарсон-саргардон бўлишлари керак? Баъзан банклардан кредит олиш жараёнларида найранглар учраётгани-чи?! Агар хар кун телевидение ва радиодан бошлаб турли газеталарда кўтарилётган танқидий мавзуларга бир назар ташласак, тадбиркорларга тўсиқ бўлаётган «қўл-оёғини боғлаб турган занжир ва арқонлардан халос этиш» нимадан иборатлигини теранроқ англаб олардик.

Ана бир нозик гап: зиёдилар қатламиде ҳам барча соҳалардаги каби ўта хилма-хил ниятлари бор. Бири хар қандай вазиятда ҳам «эл-юртим» деб, не-не кўргилликларга дучор бўлса, яна бири «мослашув» қабилидаги ўта эътиқодсизликка ўрганиб кетган. Агар бунга мисолни важдонли кишилардан сўрасангиз, юзлаб далилларни келтиришари. Бир муносабат билан

Юртбошимиз ундай иймон-эътиқодсизларни «лаббайчилар» деб атаганини хар бир софдил, нияти пок, хили шахс доимо мамнуният билан эслайдими. Гоҳо айримларга тадбиркор ёки фермер деган гаплар тор маънода, гоё бирон-бир гуруҳга, маҳалла ёки биргина қишлоқ аҳолисига тегишлидай туюлаётганга ўхшайди. Ваҳоланки, муаммолар билан тўлиб-тошиб ётган ҳозирги дунёда тадбиркорлик, ишбилармонлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш оламшумул аҳамият касб этади. Эл-юртнинг моддий таъминотини имкон борича тўла-роқ таъминлашининг энг синналган йўли шу бўлиб турибди. Ривожланган мамлакатларнинг халқлари худди ишлаб чиқаришнинг шу усулига кўпроқ аҳамият бериш билан мўл-кўлчиликка эришмоқдалар. Бизда эса фақат мустақиллик тўғрисида тадбиркорларга кенг йўл очила бошлади. Нисбатан қисқа муддатда кўрлаб қийинчиликларни енгиб эл-юрт ўртасида эътиборга эга бўлаётган тадбиркорлар етишиб чиқди. Булар орасида хоризга маҳсулот чиқараётганлар ҳам бор. Айримлари эса ўз меҳнатлари эвазига топан даромадларидан аъзоэларга яхши ҳақ тўлаш билан бирга кўрлаб саховатли ишларни қилмоқдалар. Бир-икки мисол келтирайлик: Пахтачи туманидаги фермер Шавкат Турдиев шу тумандаги ўрта мактабни ортиқча олиб, бинони таъмирлашга ёрдам бермоқда. Пойтахт вилоятидаги Курбон ота Хожиев 1992 йилда 3 гектар ер олиб иш бошлаган. 9 фарзандли, ёши бир ерга бориб қолган серғайрат фермер бугдой, картошка ва бошқа сазавотлардан мўл ҳосил етиштиради. Германиядан кичик тегиримон олиб келди. Бугдойларнинг ярмини давлатга топширади, ярмини ун қилиб аъзоэларга таркатади. Икки қаватли дўкон қуриб, энди ортиқча маҳсулотларини ҳам ўзлари сотадиган бўлишди. Отахон дастлаб голландия картошқасини экиб яхши ҳосил олди. Кейинчалик, унинг уруғи айнаб кетгандан сўнг жонқуяр отахон олимларимиз олдига ўзимизда энг яхши картошка уруғи етиштиришни ҳал этиш масаласини дангал қўйди. Мана бу деҳқончилик устида теран мулоҳаза юритишдан, юксак онгли тафаккурдан келиб чиқадиган жуда қимматли хулоса дейилса хато бўлмас керак.

Тошкентлик Сайдувалли Фозиев 1991 йилда ўғли билан бирга консерва банкалари қолқоқлари ишлаб чиқаришдан тадбиркорликни бошлади. Кичик цех иши қизиб, соҳалари ҳам кенга боради. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган йодли туз ишлаб чиқаришни амалга оширади. Кейинчалик олий ўқув юртлари олимлари билан ҳамкорликда қон кетиш касалининг давоси бўлмиш қонни тўхтадиган дори ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўяди, ишлар ҳамон давом этмоқда ва ҳоказо. Мана шу мисолларнинг ўзиёқ тадбиркорлик эндиликда барча қийинчилик ва мураккабликларга қарамай узлуксиз ривожланишини тасдиқлайди. Зеро, бу соҳани айниқса, Юртбошимиз ҳамма кўрлаб-қувватламоқдалар ва барчани шунга даъват этмоқдалар. Демокчимизки, тадбиркорлар, ишбилармонлар, кичик ва ўрта бизнес корхона ва муассасалари бундан буён ривожланишда давом этади. Барча анжуманларда бу мавзу ҳамма таъкидланиб туради. Зеро, халқимизнинг моддий неъмат яратувчилар қатлами ҳамма ҳурмат-иззатга лойиқ шахслар сифатида мавгега эга бўлади ва мустақиллик тарихига қиради.

Аҳмад АЛИЕВ

XXI АСР ТРАНСПОРТИ

ТОШКЕНТ МЕТРОСИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бугунги кунда икки ярим миллионга яқин аҳолига эга мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрини энг қулай транспорт воситаси бўлган, муҳташам ер ости қасрлари орқали ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг узогини яқин қилаётган метросиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундан йигирма тўрт йил муқоддам дастлабки йўловчиларни таший бошлаган метронинг қулай ва бежирим вагонлари ўтган давр ичиде хизмат кўрсатган кишилар сони миллиарддан ошган десак адашмайми. Айниқса мустақилликка эришганимиздан сўнг Тошкент метросининг қурилиши қизин паллага кирди. Шаҳарда энг кўп аҳоли истиқомат қилувчи Юнусобод даҳасига қатновчи метронинг учинчи Юнусобод йўналишининг фаолият бошлаши эса мустақиллигимизнинг қутлуғи ўн йиллик тўйига энг улкан ва муносиб совға бўлди. Бизнинг «Тошкент метрополитени» бошқармасининг бош муҳандиси Рустам Тоҳиров билан суҳбатимиз бунёдкорлик борадида татбиқ этилган янги тажрибалар ва умуман пойтахт метросининг келажак истиқболлари хусусида борди.

— Рустам ака, албатта Юнусобод йўналишининг бунёд этилишида ташкилотлар, қурувчиларнинг самарали меҳнатларини эътиборга олингиз. Шундай экан унга қандай янги тажрибалар ва меъморий ечимларнинг қўлланилгани ва йўловчиларга хизмат кўрсатишдаги ўзига хос кулайликлар тўғрисида тўхталиб ўтсангиз.

— Авваламбор «Пахтакор» — «Навоий» ўтиш бекатларидаги йўловчилар оқими тизимини ҳисобга олган ҳолда янги йўналишдаги «Ойбек» — «Мингўрик» ва «Амир Темур» — «Юнус Ражабий» бекатларида бир йўналишдан иккинчи йўналишга ўтишни таъминловчи йўловчилар туннель йўлини илк бор барпо этдик. Бунда туннель озгина узунроқ бўлишига қарамадан йўловчилар учун катта қулайлик туғдириш мақсадида шу йўлга кўл урдик. Иккинчи қўлланилган янгилик, бу — «Хабиб Абдуллаев» бекатида хар икки томон йўналишини учун алоҳида-қирриш йўлларининг татбиқ этилиши бўлди.

Бундан ташқари Юнусобод йўналишида «Тошметролойиха» жамоа корхонасининг янги ишланмасига мувофиқ илк бор темир-бетон тўбинлардан фойдаланилди. Бунинг янгилиги шундаки, чўян ўрнига металл қарқаслар қўлланилади. Бу патентлаштирилган янги ишланма хоризқ давлатлари ҳам сотиб олиши мумкин.

Туннельлардаги шамоллатиш анжомларини Германиядан келтирдик, эскалаторларни Санкт-Петербургда тайёрлаб беришди. Шунингдек, харакатдаги бешта таркиб — 20 та янги вагонни Россиянинг Митиши харидари вагонсозлик заводида олиб келдик. Халқаро андозалар талабларига жавоб берувчи ушбу вагонларнинг электр жиҳозлари, ташқи

кўриниши, ички безалиши, бошқарув тизими бутунлай янгиланган.

Энг муҳими, янги бекатларнинг ташқи кўриниши бир-бирига мутлақо ўхшамайди. Бу борада «А. Кодирий» ва «Минор» бекатлари меъмори Ф. Музаффарова, «Бодомзор» ва «Х. Абдуллаев», «Ю. Ражабий» бекатлари чизмаларини чизган Я. Мансуров, «Мингўрик» бекати меъмори А. Табибевлар ўз ишига меҳр-муҳаббат ва юксак касб маҳорати билан ёндошганлиги ўзининг самарасини бериб бири-бирдан гўзал, улугвор бекатлар қад ростлади. Юртимиз қурилиш хом ашёларга бой эканлигини ҳисобга олган ҳолда ўз материалларимиздан фойдаландик.

— Москва шаҳри мэри Юрий Лужков Тошкентга келганида метронинг янги йўналишини кўриб ўзбек метросозларининг ажойиб маҳоратларига тан берилари маълум.

— Дарҳақиқат, Москвада метрополитен тизими жуда ривожланган. Ю. Лужков Тошкентга келганида, уни Юнусобод йўналишининг меъморий-қурилиш ечимлари қизиқтирди ва учта бекатда бўлди. Таассуротлари билан ўртоқлашар экан, метронинг меъморий-қурилиш ечимлари ўзига хос бўлганлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда Тошкент метроси пойтахтнинг жуда катта ютуғи эканлигини қайд этди. Бундан ташқари у ҳозирда Москвада метро қурилишида фаолият кўрсатаётган айрим юртдошларимизнинг юқори малакаси ва етук касб маҳоратининг сирини энди тунунганлигини, яъни улар ўзбекистонда яратилган умумий шароитларда, улкан бунёдкорлик муҳитида ўз тажрибаларини оширганликларини бунга сабаб бўлганлигини мамнуният билан таъкидлади.

— Шаҳримиз тобора ободонлашиб, замонавий қиёфа киргани сари, албатта, метро ҳам кенгайиб бормоқда. Суҳбатимиз



яқинида Тошкент метросининг истиқболлари тўғрисида тўхтабсангиз.

— Метрополитен шундай тизимки, унинг бошланиши бўлса-да, ҳеч қачон яқинида етмайди. Яъни унинг қурилиши аста-секинлик билан бўлса-да узлуксиз давом этаверади. Тошкент метросининг қурилиши ҳам учта йўналиш бўйича олти бекат ичиде давом этади. Яъни, «Амир Темур» бекатидан «Собир Раҳимов» бекатигача; «Амир Темур»дан «Буюк Ипак йўли» бекатигача; «Навоий»дан «Тошкент» бекатигача; «Тошкент» бекатидан «Чкалов»гача; «Навоий» бекатидан «Чорсу»гача; «Чорсу»дан «Беруний»гача қурилиш ишлари амалга оширилган бўлса, «Ойбек» бекатидан «Хабиб Абдуллаев» бекатига еттинчи босқични ҳам муваффақиятли ақунладик. Энди наватб учинчи Юнусобод йўналишини Халқа йўлигача давом эттиришди. Ушбу йўналишда 3-3,5 километрик масофада «Файзулла Хўжаев», «Юнусобод» ва «Туркистон» бекатлари бунёд этилади. Бунда бизнинг амалиётимизда илк бор иккита бекат бўйлаб вагонлар тўлалигача ер устидан катнайдими. Мазкур бекатларда ишлар бошланиб кетган ва уларнинг қурилиши 2-3 йиллар давом этиши мўлжалланмоқда.

Хозир тўртинчи Сергели йўналиши бўйича лойиха, техник-иктисодий асослар ишлаб чиқилмоқда. Бунда «С. Раҳимов» бекатидан «Отчопар», «Чоштепа» ва яна оқик — эстакада усулидаги тўртта бекат «Отчопар» бозорини Сергели турар жой даҳаси билан ўзаро боғлайди.

Биз Рустам ака билан узок суҳбатлашдик. Натижда кўз олдимизда Тошкент метросининг бугунги кундаги имкониятлари, унинг келажакдаги улкан истиқболлари очик-ойдин намойён бўлди. Хозирги кунда метро йўналишлари бўйича «Пахтакор» — «Навоий», «Юнус Ражабий» — «Амир Темур», «Ойбек» — «Мингўрик» оралиғида кичик Халқа йўли вужудга

келди. Тошкент метросининг умумий узунлиги 29 километрдан 36,2 километрга, бекатлар сони эса 29 тага етди. Тез орада Юнусобод йўналиши тўла қувват даражасида ишлаб бошлайдими ва кунига 80-100 минг йўловчига хизмат кўрсатади. Барча уч йўналиш бўйича эса кунига бир миллион ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг узогини яқин қилиш имкониятлари мавжуд. Истикболда эса Юнусобод ҳамда Сергели йўналишлари тўла фойдаланишга топширилгач, «Беруний»дан «Қорақамиш»гача, «Буюк Ипак йўли»дан ТТЗ даҳасигача, «Ойбек»дан «Жанубий вокзал»гача яна олти ер ости қасрларини бунёд этиш режалари кўзда тутилмоқда. Бу метро орқали катта Халқа йўлининг барпо этилишига йўл очади. Шу тарихи шаҳар ривожланишига қараб метронинг қурилиши ҳам жадал давом этаверади. Тез орада шаҳар аҳолисининг 40 фоизи метронинг тезорқ поездлари орқали ўз манзилларига етказилади. Бекатлар сони 38 тага, умумий йўналиши эса 46 километрга етади. Энг муҳими, метро йўналишлари қурилиши билан кенг йўллар, янги кўчалар қурилади. Ер устки жамоат транспорти воситаларининг харакати ҳам мувофиқлаштириб борилади. Бир сўз билан айтганда XXI асрда Тошкент метроси энг асосий ва қулай транспорт воситасига айланади.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди. СУРАТЛАРДА: шаҳримиз метросининг янги бекатларида. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Сарҳисоб ва режалар

Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт мажмуаларининг бўлиб ўтган йўналишларида жорий йилнинг биринчи чораги яқунлари сарҳисоб қилиниб истиқбол режалари белгилаб олинди.

Саноат, транспорт, алоқа ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича мажмуа йўналишида ҳисобот даврида ижтимоий-иктисодий ислохотларнинг амалга оширилиши юмушлари таҳлил қилинди. Эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда айрим корхона ва ташкилотлар фаолиятидаги камчилик ва муаммолар хусусида ҳам сўз юритилди. Йўналишда хусусан, «Тошкент телеграф» — телефон станцияси» акциядорлик жамияти то-

монидан телеграф алоқасини янги рақамли тизимлар билан таъминлаш масаласи ханузгача ҳал этилмагани, «Тошкент телефон тармоғи» АЖга қарашли олти рақамли АТСлар хизмат даражаси қониқарли эмаслиги таъкидланди. Шунингдек, матбуот нашрларини тарқатиш борасида замона талабига мос технологиялар жорий қилинмаётганлиги ҳам эътибор қаратилди.

Қурилиш мажмуаси йўналишида жорий йилнинг биринчи чораги-

да пудратчи ташкилотлар ва буюртмачилар томонидан қурилиш манзилли дастурининг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборот тингланди. Хусусан, ҳисобот даврида мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона ва ташкилотлар томонидан турли молиялаштириш манбалари ҳисобидан 45,7 миллиард сўм миқдориде капитал қўйилмалар ўзлаштирилган. Бу эса йиллик истиқбол режасининг 18,3 фоизини ташкил қилади. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар тузилмасида 31 фоизни бюджет маблағлари, 33 фоизни — корхоналар маблағлари, 28 фоизни — чет эл инвестициялари ва кредитлар ташкил қилади. Жорий қилинган асосий фондлар эса 26,6 миллиард сўмга тенг.

Шу билан бирга, йўналишда таъкидлаб ўтилганидек, ушбу курсаткилар ажратилган лимит ва инвестицияларнинг изчил ва самарали ўзлаш-

тирилишидан далолат эмас. Уй-жой объектлари ҳамда ўтган йил манзилли дастурида белгиланган ўрта маҳсул ўқув юртлари қурилиши тугаланишида оқсалиш сезилмоқда. Шу бонис йўналишда қурилиш тугалланмаган объектлар бўйича биринчи қалдаги вазифалар белгиланиб, буюртмачи ва пудратчи ташкилотларга ўзаро муносабатларини такомиллаштириш, туман ҳокимликларига муҳим объектлар қурилишини ташкиллаштириш хусусида барча тегишли чоралар қўриш бўйича тавсиялар берилди. Бу борада асосий эътиборни барча соҳаларга оид долзарб вазифалардан ҳисобланган молиявий интизомни яхшилаш ва дебитор-кредитор қарздорликни пасайтиришга қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар, оила, оналик ва болалик ижтимоий муҳофаза қилиш

масалалари ҳамда Ижтимоий мажмуаларнинг қўша йўналишида жамоат ташкилотлари родини қучайтириш, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш борасида уларнинг ўзаро ҳамкорлигини чуқурлаштириш, шунингдек ижтимоий жараёнга сиёсий партияларни кенг жалб қилиш масалалари хусусида сўз борди.

Йўналишда манзилли қўрлаб-қувватлашга йўналтирилган Қариярлар кўдрлар, Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш, соғлом авлод давлат дастурлари вазифаларини татбиқ этишда, айниқса кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, ёлғиз ва ноғиронларга, кексаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ишларига комплекс тарзда хар томонлама ёндошиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари, Юнусобод ва Сергели туманлари мисолида барча туманлардаги мавжуд муаммо ва

камчиликлар муҳокама қилинди. Шунингдек, шаҳарда умумий таълим ва ўрта махсус ўқув юртларида спорт моддий-техник базасини ривожлантириш ҳамда спорт федерациялари фаолиятини яхши йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланиб, бу борадаги муаммолар тилга олинди.

Хозирги пайтда жойларда ёшлар харакати фаолияти бораётганини инобатга олган ҳолда, мажмуалар қўша йўналишида аҳолининг ташкиллаштирилган қатлами, айниқса банд бўлмаган ёшларни жалб қилиш йўли билан ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, ўсиб келаётган авлод манфаатини қўрлаб иш фаолиятининг янги шакл ва услубларини жорий қилиш мақсадида мувофиқ бўлиши тўғрисида тақлифлар киритилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Қололмас жаҳон ичра мангу, киши
Фақат қолгуси яхши ному иши.
Тирик улки ундан кейин қолса жой,
Ҳовуз, қулу кўприк-ла, карвон сарой.
Саъдий.

МОЗИЙ

«Фақат қолгуси яхши ному иши...»

Алишер Навоий ўз ҳаёти ва ижодий мероси билан жаҳон маданиятининг энг эътиборли даҳолари сифатида туради. XV асрнинг буюк мутафаккири Алишер Навоий замонасининг машҳур шоири, забардаст адабиётшуноси ва тилшунос олими бўлиш билан бир қаторда таниқли меъмори ҳам эди. У кўплаб ўлмас асарлар ёзиш билан бирга, мамлакатнинг ободончилигига ҳам катта қизиқиш билан қаради.

Темурийлар ҳукмронлиги даврида маданий марказлардан бири Алишер Навоийнинг киндик қони тўкилган Ҳирот эди. Бу шаҳарни янада юксалтириш ва ободонлаштириш учун Алишер Навоий катта режа чизди. Улкан бинолар қуриш ишларига Ҳирот ва унинг атрофларидан меъморчилик бўйича асрлар давомида йиғилган тажрибани мукаммал ўзлаштирган, ижодий фикрга эга бўлган ажойиб усталар жалб этилди. Гўзал Инжил ариги ёқасида улкан қурилиш ишлари тезда бошланиб кетди. Юк арвалари, филлар, туялар тўхтовсиз катнаб, зарур қурилиш материалларини ташиб келтирар эди. Моҳир усталар эса турли шаклда бўлган мрамор тошлар устида ишларди. Уларнинг баъзилари тошларни ойнадек силкиқлаб яқриратиш билан машғул. Бошқарилмаган мраморларга гуллар ясамоқда. Ёғоч усталари ҳам қизгин ишда. Мадрасанинг юксак пештоқи устида ҳам усталар ўз хунарини намойиш этишяпти. Юзларча богбонлар хар бир бинонинг ат-

рофини гўзал боғчалар, хиёбонлар билан қуршамқоч унчун астойдил меҳнат қилмоқдалар, бу ишларга бунёдкор бобомиз Алишер Навоийнинг ўзлари бошчилик қилган. Тарихчи Хондамирнинг берган маълумотларига кўра Алишер Навоий мамлакатда маданият, қурилиш ва ободончилик ишларини кенг кўлабда ривожлантиришда жуда катта хизматлари борлигини қайд этади. Буюк шоирнинг замондоши, таниқли шоир Мавлоно Биноий ўзининг Навоийга бағишлаб ёзган қасидасида куйидагиларни қайд этади: «Султон давридаги Амир Алишернинг васфини айтмоқчиман. Мен унинг барча фазилатларини тасвир этмоқчиман. Унинг даврида Ҳирот энг гўзал, обод бўлиб, тиканзорлар ҳам богга айланди. Олиму фозиллар, шоиру санъаткорлар шаҳрига айланди. Адабий муҳит ва маданий ҳаёт юксалди. Ҳиротдаги иморатлар уни жаҳондаги барча шаҳарлардан чиройли қилди».

Алишер Навоий Ҳирот ва Астробод шаҳарларида кенг кўлабда олиб борган бунёдкорлик ва ободончилик ишларида меъморчиликнинг ажойиб ёдгорликлари бўлган ҳашаматли саройлар, масжид ва мадрасалар, макбаралар қуриш ёки уларни таъмирлаш билан бирга бир қанча ихтимий-фойдали ишнотлар; шифохоналар, ҳаммомлар, ҳовузлар, кўприклар, карвон йўлларидagi работлар ва шу қабиларни қуришда ҳам ўзлари бош-қош

бўлиб турганлар. Академик Азиз Қаюмов ўзининг «Алишер Навоий» номли рисолада берган маълумотларга кўра, Навоий жамғармаси ҳисобига Ҳиротда ва бутун Хуросон мамлакатида жуда кўп бинолар, мадраса, шифохона, карвонсарой, ариқ, ҳовуз, кўприк, йўллар барпо этади. Тарихчи Хондамир Алишер Навоий қурдирган иморатлар орасида 52 та работ, 19 та ҳовуз, 16 кўприк, 8 та ҳаммом, кўпгина масжид, мадраса, кутубхона, дорихона, макбараларни бирма-бир келтиради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиротда эканлигида Навоийнинг меъморчилик ва боғ-истироҳатчилик бобидаги эътиборли ишларини кўриб: «Мунча биноийи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлиши бўлмай», — деб таърифлайди.

Алишер Навоий қурдирган биноларда бадийи беэақолатлик кенг фойдаланилган. Унинг фикрича, бино фақат турар жой вазифини бажарувчи бир нарс бўлмасдан, балки ўзининг ташқи ва ички кўриниши билан кишига завқ бағишловчи санъат асари ҳам бўлиши керак.

Ўзи қурдирган биноларга Навоийнинг шайхона чиройли номлар қўйдириш одади бўлган. Мадраса ва Хонақоҳга «Ихлосия», шифохона ва ҳаммомга «Шифоия», кутубхона ва шоир ўзи яшаш учун қурдир-

ган умуман уй-жойларга «Унсия» деб ном қўйилган.

Санъатнинг уч муаззам ва кўркам гулдастаси бўлган бу биноларнинг таърифи ўша вақтларда халқ тилидан тушмади. Уларнинг дони қўшиқларда, қасидаларда янгради. Тез орада бу тарихий бинолар ҳақида ўнлаб, Ҳирот ҳақида эса юзлаб байтлар яратилди. Ҳиротнинг улуглиги, гўзаллиги, ободонлиги ҳақида ҳамма қаламкашлар ҳамфикр эди.

Тарихчи Хофиз Абу... «Агар сендан бирор киши, шаҳарлар ичида энг яхшиси қайси?» — деб сўраса-ю сен унга тўғри жавоб беришни истасанг, «Ҳирот» деб айтгин. Сен бу жаҳонни бир денгиз, Хуросонни эса ундаги садаф ва Ҳирот шаҳрини эса бу садаф ичидаги гавҳар деб билгин». Навоий қурдирган муҳташам бинолар — садаф ичидаги гавҳар бўлган Ҳиротдаги энг ажойиб иморатлардандир. Заҳириддин Бобур ўзининг «Бобурномаси»да Ҳирот тўғрисида ёзар экан, бутун дунёда бундай обод шаҳарни кўрмаганлигини айтади. Фахри Ҳиротий деган адабиётшуноснинг ёзишича, Навоий Ҳиротда 300 дан ортққ жамоат биноларини қурдирган. Айни бир вақтда бунёдкор бобомиз Алишер Навоий халқни, эл-юртни обод қилишга, мамлакатни боғу бўстонга, маскани гулистонга айлантиришга ундайди.

Улуг шоирнинг «меъморчилик санъати бобидаги бой билими, унинг ташаббуси билан дунёга келган катта-кичик иншоотлар, йирик меъморчилик ансамбллари, буларнинг ҳаммаси Навоийнинг етук меъмор ҳам бўлганидан дарак беради», — деб ёзган эди архитектура доктори, Халқаро меъморлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Пўлат Зоҳидов.

Алишер Навоий қурдирган биноларнинг баъзилари бизнинг давримизга сақланган бўлиб, ўз кўриниши билан кишиларни ҳамон завқлантиради. Бу буюк бунёдкор бобомизнинг бизга қолдирган ўлмас ва бебаҳо меъморий ёдгорликларининг бир қисмидир, ҳоло.

Рашид БОЙТУЛАЕВ

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб Домо бўлу...

● Инсон фарзанди бир-бирдан кийим-бош билан эмас, балки ақли, фазилати, илму хунари, ор-номуси билан фарқ қилади.

● Агар сен ҳам ақли кишиларнинг сафида бўлгин келса, хар куну бир марта ёки ҳафтада бир марта, ҳеч бўлмаса ойда бир марта ўзингга ўзинг ҳисоб бер. Ўтган умрингни қандай ўтказибсан: на илмга, на жамиятга ва на ўзингга фойдали бирор иш қилибсанми?

● Ақл-идрок, илм-хунар — булар меҳнат билан топилмаган ва камол топадиган нарсалардир.

● Ўйламоқ ҳам яхши нарсас, аммо кўп ўйлаб, хаёлпараст бўлишлик ҳам яраммайди.

● Ақли маслаҳат олмақчи бўлсанг оқилона сўраб билгин.

● Ақлнинг кучига ишонмаган киши ўта ақлсиздир.

● Ақл-идрок билан бойишга ҳаракат қил, зеро у мол-дунё бойлигидан яхшидир.

● Ахир ақл-идрок билан бойликни қўлга киритиш мумкин, аммо бойлик билан ақл-идрокни тўплай олмайсан.

● Дону бўлишни истасанг маъноли сўзлашга ўрган, диққат-эътибор билан эшит, осойишталик билан жавоб бер ва ҳеч нарса дейиш зарур бўлмаганда гапиршидан ўзингни тий.

● Кишилар орасида ақлилари ақлий лаззатга интилади. Шундагина у умумий лаззатга эришади. Фақат одам илм ўрганишдан лаззат топади. Бу ҳис ҳайвонларда йўқ, илмнинг хар бир поғонаси яна юқори-роқ поғонага олиб боради.

● Луқмони Ҳаким ўз яқинларига «Соғ бўлай ва қаримайин десангиз, йилда бир бор сурги қилинг, шаҳвоний хирсга кўп берилманг, ҳафтада ҳаммомга тушинг», дер экан.

● Бир кекса донишманд дўстига шундай дебди: — Қайғули қарилк хурсандчилик йўлигидан эмас, балким мурод-мақсаднинг камлиги, тўғриси заифлигидандир.

● Бағдодлик сўз устаси ва олими Абдулайно ва мисрлик олим Ибн Муқаррам бир ҳоким йигинида ёнма-ён ўтириб қолишди. Улар паст овозда сўхбатлашишга ётган эди, ҳоким сўраб қолди:

— Сиз иккингиз пичирлашиб қандай ёлғон-яшиқ гаплар тўқиясизлар?

— Сизни мадҳ этиямиз, — дейишди улар.

● Бир оғиз илқ сўз шундай қудратлики, у ўз жонига қасд қилмоқчи бўлиб турган кишини ҳаётга қайтаради.

● Хунар қўлингидан тилла узукдан ҳам аъло эканини унутма.

● Қинғир ишга қийшайганлар ўз сояларидан ҳам чўчи юрадилар.

● Бир донишманд ўғлига шундай насиҳат қилди: — Бир киши иккинчи кишига салом берса, буни эшитган киши дарров алик олсин. «Салом алайкум» ёки «Салом» ёхуд «Салом бердик» дейиш яраммайди.

● «Ассалому алайкум»нинг жавоби «Валайкумус салом»дир. «Ассалому алайкум» — арабча сўз бўлиб, «Сизга тинчлик бўлсин», демакдир. «Валайкумус салом» эса «Сизга ҳам тинчлик бўлсин» деган сўздир.

● Ҳаёт бамисоли бир кўзгу — хар бир инсон ундан ўз аксини топади. Агар хўмрайиб боқсанг, серзарданни кўрасан: ҳаётга доим қулиб боқ, унинг олдида ханда қил, ана шунда сен ҳаётда хушқачқак дўстликни кўрасан.

● Шайрinxсан, одобли, хушмуомала, камтар киши хар қанди низоинг, ноҳақликнинг олдини олади, дилзорликка йўл қўймайди.

● Ҳиком ал Мулк исмли вазир олижаноб ва одил экан. Биров ҳада келтирса, барчага баравар бўлиб бераркан. Бир куну бир богбон унга учта эртанги бодринг келтирибди. Вазир бирин-кетин уччала бодрингни ўзи еб қўйибди-да, богбонга минг динор инъом берибди. Вазир богга дам олгани чиққанида унинг бир мулозимини сўрабди.

— Жаноб, сиз нима учун уччала бодрингни бир ўзингиз едингиз, бундай одатингиз йўқ эди-ку.

Одил вазир унга мулоимлик билан жавоб қилибди: — Бодринглар тахир экан, бошқаларга берсам тахирлигига чидолмай деҳқонга ёмон сўз айтиб юборардилар, унинг дили озор чекарди, — деб жавоб берган экан.

● Сендан узр сўрасалар, қабул қил. Одоб ўргатсалар қулқол сол. Биров одоб ўргатса ўрганмаган киши ҳайвон, узр сўраса қабул қилмаган киши шайтондир.

● Кексалар қўлини тут, уларни эъзола, кимки кексаларга ҳасса бўлса, ҳассага етади. Соқоли оқларга мадад қилса оқ соқолга етади.

● Оғир тош ердан минг азоб билан кўтариб олинади. Уни ташлаб юбориш эса жуда осон. Усиб, мартабага эришиш худди тош кўтаришга ўхшайди. Мартабадан тушиш эса тошни ташлаб юборишдек бир ҳолдир.

● Дўст уч хил бўлади: дўст, дўстининг дўсти, душманнинг душмани. Душман ҳам уч хилдир: душман, дўстининг душмани ва душманнинг дўсти.

● Ўзинг билан ўтирган ва ҳамсуҳбат бўлмаган киши билан ҳеч қачон дўстлик ипини боғлама.

● Сўқрот Ҳаким айтади: — Биров бахтсизликка йўликса, ундан қулма, ахир арслон ҳам шунча кучлиги билан тузоққа тушадику?

● «Ёшлик — умринг баҳори». Шу паллада ўқиб, илм-хунарга эга бўлиб олган ёшлар абадий рўшноликка яшайдилар. Капалак ёки ниначидек енгил ҳаёт кечиршига ўрганиб қолган кишилар ёшлик йиллари ўтиши билан заҳмат ва машаққат чекади.

Байт:
Фарзандларни икки нарсга айлайди хароб,
Бир зийнат сеп, бири эса шароб.

● Санойи айтди:
Донлар мастлик қилмас, оқил шароб ичмас,
Ўзи билан хар киши пастликка қадам қўймас.

● Илтижо билан ёрдам сўровчининг ҳимоячиси бўлишдан яхшироқ яхшилик йўқ.

● Сен ўз ҳаётингни қанчалик эҳтиёт қилсанг, бошқа кишиларнинг ҳаётини ҳам шунчалик эҳтиёт қила бил.

Байт:
Ҳаммага омонлик истагучи бўл,
Шунда адоватга қолмағай ҳеч йўл.

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

Иссиқликдаги узилишлар учун ким жавобгар?

Тошкент шаҳар Кенгашининг коммунал хўжалиги ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг маълумотларига асосланган ҳолда шуну таъкидлаш мумкинки, ўтган қиш мавсуми яқунлари бўйича шаҳар иссиқлик таъминоти ҳолати қониқарли даражада. Лекин бу барча пойтахт иссиқлик манбаларида вазият маромида, бир текис дегани эмас, албатта. Му-тахассис-раҳбарлар иссиқлик таъминотидаги узилишлар юзасидан қанчалик асосли сабаблар келтирилсин, бундан истеъмолчилар муаммоларни ҳал бўлиб қолмайди. Чунки уларга фақат бир нарсга — қиш фаслида мунтазам иссиқлик керак ва шунга яраша ўз вақтида тўловни амалга оширишлари жоиздир.

Бугунги кунда шаҳарда иссиқлик ишлаб чиқариш ҳамда уни истеъмолчиларга етказиб бериш билан Тошкент иссиқлик электр маркази (ТИЭМ) «Тошиссиқликмаркази» ОАЖ ва «Тошиссиқликкуват» ишлаб чиқариш бирикмаси каби учта мустақил корхона шугулланади. Ҳўжалигида 7 та қозонхонаси бўлган ТИЭМ корхонаси истеъмолчиларнинг атиги 20 фоизга яқинини иссиқлик қуввати билан таъминлайди. Депутатларнинг мутахассислар билан олиб борган таҳлилларига кўра, мажмур корхонада техник асбоб-ускуналарнинг таъмирланиши ва профилактикаси доимий ра-

вишда мавсумдан анча аввал ўтказилиши сабабли қозонхоналарда ўтган қиш мавсумида носозликлар ва авария ҳолатлари юз бермади.

Яккасарой туманидан ташқари, қолган барча туманларда маҳаллий иссиқлик манбалари жойлашган «Тошиссиқликкуват» бирикмаси эса асосан ўқув юртлири, мактабгача ҳамда мавсум мавсумида муассасалари, турар жой ва ётоқхоналарни иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлайди. Унинг айрим муаммолари мавжуд бўлса-да, бироқ мавсум даврида истеъмолчиларга қониқарли хизмат кўрсатган.

Турар жойларга асосий иссиқлик етказиб беришни ташкилот «Тошиссиқликмаркази» 9 та қозонхонага эга бўлиб, уларнинг юқори ҳажмдаги қуввати шаҳарнинг 70 фоиздан зиёд истеъмолчиларини иссиқлик билан таъминлашга қодир.

Бироқ, таъмирлаш ишлари, ускуналарни янгиллаш, тегишли ёққилги захирасини таъминлаш учун айланма маблағнинг йўқлиги корхонани умуман қишга тайёр эмаслигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, шундай бўлди — мавсумда қозонхоналар бирин-кетин ишдан чиқарилганлиги сабабли истеъмолчиларни иссиқлик билан таъминлашда узилишлар рўй берди. Бунга маълум жиҳатдан корхонанинг ўтган йили таркибий ўзгаришларга юз тутгани ҳам сабаб бўлди.

Таркибий ўзгаришлар жараёнида ҳеч қимга керак бўлмагани туфайли ёки бошқа сабабдан жамият фаолиятига дахлсиз объектлар юқори қувватли электр узатувчи кабель линиялари ва нимстанциялар тасарруфига киритилган. Шу кунга қадар акциядорларнинг бу борадаги «Ўзбекэнерго» компанияси номига йўллаган мурожаатлари эътиборсиз бўлиб қолмоқда.

Буларнинг бари тушунарли, албатта. Бироқ, юзага келган бундай нохуш вазият иссиқлик таъминоти таннарихига қандай таъсир кўрсатади деган савол кўпчилигини қизиқтириши шубҳасиз. Истеъмолчилар, хусусан аҳолининг амалда фойдаланмаган иссиқлиги учун тўловлар қайта қўриб чиқилганими? Ёки «иссиқлик йўқ, аммо тўловлар таъминлангани шарт» қабиллида иш давом этаверадими?

Ўшбу саволлар депутатлар томонидан бир неча бор кўтарилди, аммо, мутасадди раҳбарлар асосан ўз муаммоларини рўқач қилишди. Шундай бўлса-да, Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссияси томонидан барча кун тартибда кўрилган масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга шаҳар коммунал хўжалигининг ўшбу муҳим объектлари фаолиятини яхшилаш ва тақомиллаштириш борасида қўмақлаштириш тавсиялари берилди.

(Ўз муҳбиримиз)



Боғларнинг таровати ўзгача.

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР БЎЛСИН

Абдуқодир ота Содиқов ўзининг устачиликдаги ҳалол меҳнати, яхши фазилати билан эл хурматига сазовор бўлган инсон эди. А. Икромов туманининг Катта Қазни маҳалласида бундан 40-50 йил аввал қад кўтарган жамоат ва турар жой бинолари йўқки, унинг табаррук қўли тегмаган бўлсин.

Урушдан кейинги даврда уй қуришнинг қўлига уста Абдуқодир ака маҳалла фаоллари билан гаплашиб, ўша оила учун хашар йўли билан иш бошларди. Кимдир устанинг қўлига фойш олиб берар, лойкаш лойни хамирдек ийлаб лой ташувчиларни кутдириб қўймади. Бирлашиб, ғайрат билан қилинган иш тезда кўзга кўринарди.

— Янги уйнинг гиштини териб, тўсин қўйишга тайёрлаб қўйдик. Эртага тўсин чиқарсақ, у ёғи ҳеч гапмас, — дерди уста.

Қамида 8-10 кун тежалган вақт, ҳаражатидан қутилиб, енгил торган уй эгаси устани дастурхон устида дуо қиларкан, кўзидан севинч ёшлари томади.

Абдуқодир ака баъзиларнинг ишдаги алдам-қалдамлигини кўрса бефарқ турсамасди.

— Лойни пишитмай

САХОВАТ

шошқалоқлаб паҳса уришни бошлабсиз, — деди у бир куну девор олаётганларни кўриб. — Паҳсангиз тарс-турс ёрилиб узоққа бормаса, топган пулингиз яхшилигингизга бюурармикан?! Девор олишни шу ерлик ака-ука Абдувоҳид ва Абдурауф полволлардан ўрганинг. Урган паҳсаларини лом билан уриб кўчиролмайсиз. Пишган гиштдек пишк.

Нотаниш деворчилар тўғри гапдан хавфсизлаб ўша куну маҳалладан фойли бўлишганини кексалар ҳанузгача эслашади.

Устанинг яна бир фазилати донишманд, илмлиларга ақинлашиб, кўнгилларини топсам, дуоларини олсам дер эди.

Уста Абдуқодир ота ва умр йўлдоши Тўхта ва таълимини ўзига ингдирган етти фарзанд ўзидан тинган, илмли, хунарли. Хар бирининг оиласида интизом, режа, қут-баракка бор.

Рихсибой ота умрининг охириги дамида оила аъзоларини йиғиб дуо қиларкан:

— Эл-юртда оиламизнинг яхши ном олашида Нафиса опангизнинг меҳ-

натлари кўп сингиди. Мендан кейин ҳам опангизни эъзолаб авайласангиз, руҳим шод бўлади, деганди.

Ота васиятларига амал қилаётган Каримжон, Раҳматжон, Аҳмаджон ва Муҳаммаджонлар бир-бири билан ахилликда ҳаммаша опаларининг хизматида.

«Жаннат оналар оёғи остидир» деган ҳақиқатни юрагидан ҳис қилган Каримжон волидаи мухтарамаси билан Ҳажнинг шартларини бажариб қайтишди.

— Оллоҳга шукр, оиламиз тўқ, фаровон. Лекин атрофимизда айрим меҳрга муҳтожлар ҳам бор. Уларга ёрдам қилсақ кам бўлмайми, — деб қолди бир куну она ўғилларига.

Кўшни Худойберди Фуломов оилада ёлғиз фарзанд. Улим аввал уруш ноғирони Мирзавой отасини, сал кейинроқ Орифа онасини олиб кетганди. Унга ёрдам қўлини чўзишди.

Ха, бу оила ўзининг олийҳимматлиги билан барча маҳалладошларига ўрнатқ бўлмоқда. Шундайлар ҳаммаша бор бўлсин.

Ҳани АБДУЛАЕВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

ТАРБИЯ МАСКАНЛАРИДА

инглиз ва лотин тили, компьютер, спорт турларидан сабоқ бермоқдалар. Ниятимиз ўсиб келаётган шав авлод миллий кадриятларимиз, маданий меросимиз, қадимий урф-одатларимиз ва аъналаримиз давомчилари бўлиб, пухта билимли, комил инсонлар бўлиб вояга етсинлар.

Тадбирга йиғилган нуруний кексалар, бувийо буважонлар ҳажжи ширинтойлар ижросида янграган шезър, қўшиқ, рақслардан бир олам завқ олдилар. Беғубор, покиза болаликка бир дам ошно бўлдилар.

(Ўз муҳбиримиз)



СУРАТЛАРДА: 380-боғчада ўтказилган тадбирдан лавҳалар. Тохир Нигматуллин олган суратлар.

Экспонатларга бой музей

Бундан чорак аср муқаддам республикамиз пойтахтида Тошкент электрон телевидение музейи очилган эди. Шу ўтган 25 йил мобайнида у хар томонлама кенгайиб, экспозицияси талайгина янги экспонатлар билан бойиди.

Техникавий изланишлар янгилик юзага келган телевизион қурилмалар намуналари ҳам нодир экспонатларга айланиб қолди. Мамлакатимизда телевидение тараққиёти тарихини ўзида акс эттирув-

чи экспонатлар ҳам қизиқиш билан томоша қилинади.

Музейда телевидение техникаси кашфиётлари ихтирочилари фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи маълумотлар ҳам тўпланди.

Акбар АЛИЕВ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманида жойлашган 380-боғчада Қарияларни кадрлаш йилга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Эртанинг давомчилари тарбияланаётган ўшбу масканга нуруний, пиру бадавлат отахон ва онахонлар, шу боғчада 30-35 йилдан меҳнат қилиб ҳозирда кексалик гаштини суратдан нурунийлар бир пиёла чойга тақдир қилинди.

— Бугунги тадбирни ўтказишдан мақсадимиз, — дейди боғча мудираси Закира Нигматуллоева, — фарзандларимиз ёшлик

ТАБИАТ ВА ИНСОН

№ 2 (121) Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг иловаси

Инсон ер юзидagi энг улугъ неъматдир. У ўзидagi барча имкониятларни авлодларимиз фаровонлиги йўлида сарфлар эмас, балки ҳаққонанга эришиш учун қўйиб бериши керак. Зеро, ҳайвонот ва ўсимликни, ер ва сувни, наинки онаттабиати муҳофазаси қилиш ва ундан режалар фойдаланиши шу ватан фарзандиман деган фуқароларнинг муқаддас бурчидир.

Саноат корхоналари, асфальт-бетон, қурилиш, машиналарнинг тарқалиши, қурилиш ташкилотлари чикиндилари атмосфера ҳавосига энг кўп зарар келтираётди. Бозор иқтисодиёти муносабати шароитида кўплаб

ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асрашга, умуман табиати муҳофазаси қилишга катта аҳамият берилган. Шу ўринда бир халқ мақолида: «Уғил ўстирган ёки дарахт ўтказган одам умрини беҳуда яшамаган бўлади», дейилади. Агар ҳар бир жамоа ўз жонажон ўлкаси, шаҳри ва қорхонасининг табиатини севадиган ва бу ҳақда қайғурдиган чинакам мутахассисларни тарбиялаган бўлса, беҳуда меҳнат қилмаган бўлади.

Атмосфера ҳавосини муҳофазаси қилиш хозирги давр инсонлари учун энг муҳим муаммо бўлиб турибди. Бу ҳолатнинг олдин олиш, ўрганиш, чора-тадбирларни кўриш педагоглар, кенг жамоатчилик ва табиати муҳофазаси қилиш қўмитасидаги масъулиятли ва зифадир. Бу борада айниқса, шаҳарда атмосфера ҳавосини ифлосланишдан сақлашда «Тоза ҳаво» тadbирининг бир йилда икки мартаба — баҳор ва куз мавсумида икки ой давомида пухта режа асосида ўтказилиши ижобий натижалар бермоқда. Мазкур тadbирлар

самараси атрофли таҳлил қилиниб борилади. Атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш қўмитасининг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий ва интизомий чоралар кўрилади, автомобилларни таъмирлаш участкалари, ёнилги қуйиш қорхоналари фалсияти қаттиқ назорат қилиб борилади.

Албатта, шаҳарда атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш қўмитасининг бузиш ва унинг олдин олиш чораларини кўриш билан боғлиқ бўлган тadbирлар, тарбиёт-ташвиқот ишлари аҳолининг ҳар томонлама экологик савиясини ошишига самарали таъсир кўрсатапти. Шу боис хозирги кунга келиб аҳолининг табиати муҳофазаси қилиш тўғрисидаги қабул қилинган қонунларига муносабати тубдан ўзгармоқда.

Ҳар бир фуқаро ўз виждони, ўзининг қалб амери билан ўз фуқаролик бурчини астойдил бажариб шахримизни озода, кўркам, экологик тоза масканга айлантиришда иштирок этса нур устига нур бўлади.

Муассар ЮСУПОВА,
Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш экологик тарбиёт ва ташвиқот бўлими бошлиғи.

МУШОҲАДА Барчанинг бурчи


кичик, қўшма, хусусий қорхоналар ташкил этилмоқда ва улар ўз ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланган сувларни қайта тозалашни йўлга қўймаптилар, атмосфера ҳавосини заҳарли чикиндилар билан ифлослантиряптилар.

Хозирги даврда ижтимоий тараққиётни техник воситаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсон яратган ёдгорликлар қандай бебаҳо бўлса, табиат яратган ҳам бир жонзод ҳам баҳосиздир. Табиатга эҳтиёт-қорона муносабатда бўлиш, унинг қонунларига амал қилиш, яъни экологик жиҳатдан саводхон, экологик маданиятли бўлиш ҳар биримиз учун катта аҳамиятга эга. Фан-техника тараққиёти табиат билан жамият ўртасидаги зиддиятни янада кучайтирди. Турли хил ёнилги манбалари ҳисобида очик ҳавога газ ва тўтунлар чиқаришмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳавонинг 70-75% фойда ифлослантирмоқда.

Қурьони Карим ва ҳадиси шарифларида, Ислам қонун ва қоидалари, шарият аҳкомлари билан бир қаторда атроф-муҳитни тоза сақлаш, табиий бойликлардан тўғри фойдаланиш, уларни исроф қилмаслик, инсон-яшаш тарзи, шахсий тигиенаси,



Ўлкамизда баҳор.



Ўсимлик ва ҳайвонот олами

◆ Сурхондарё воҳаси жумҳуриятимизнинг энг жанубига жойлашган бўлиб, совуқ ҳаво оқими келадиган шимол томондан баланд тоғлар билан ўсимликнинг туфайли энг иссиқ ва вегетация даври энг узок ўтадиган жойдир. У ерда иссиқ кунлар 240-250 кунгача давом этади. Дала ишларини бажарса бўладиган давр бир йилда 307 кунни ташкил қилади.

◆ Ҳашаротлар ичида энг ашаддий йирткичи бешиктебратордир.

◆ Ўзбекистон сув ҳавзаларида энг кўп тарқалган балиқ сазан бўлиб, бошқа балиқларга қараганда у секин сузади. Тез катта бўлади, тез кўпаяди.

◆ Шил — бақарсимон балиқларнинг ягона вакили бўлиб, Орол денгизида яшайди. Бўйи 2 метргача, оғирлиги 80 килограммгача келади. Ёз бўйи давомида деярли 2 минг километргача масофани босиб ўтади. Шил — бизда энг қимматли ва катта балиқлардан ҳисобланади.

◆ Устюртнинг Кўнғирот атрофидаги жарликларда чигидок гекконча деган энг кичик калтакесак кўплаб учрайди. Унинг узунлиги 24 миллиметргача боради.

◆ Йўл-йўл калтакесак бизда учрайдиган энг чакқон калтакесакдир. Узунлиги 42-55 сантиметргача бўлади.

◆ Чил қалқил деган энг жажжи қўшча Бойсун, Қўхтанг, Боботоғ тоғларида ҳаёт кечиради.

◆ Қирғовулнинг энг йирик вакили — қоракорин (оғирлиги 3 килограмм келади) Зарафшон, Туркистон тоғ тизмаларида 2000-3770 метр баландликда яшайди.

◆ Тоғларда яшовчи қораялоқларнинг энг йириги — бўз қораялоқдир.

◆ Катта тақатушқўқ қўшқалпағи Ўрта Осиёда учрайдиган қўшқалпағи туркумининг энг йирик вакили ҳисобланади. Унинг тана ҳарорати 38-40 даража иссиқ бўлади.

◆ Жайра — Ўрта Осиёда яшайдиган энг йирик кемирувчи ҳайвондир. Оғирлиги 15 килограмм атрофида.

◆ Ҳисор тоғларида мушқунинг энг йириги илвирис яшайди. 6 метрга ва ундан ҳам узокча саркайди.

◆ Ибард жаҳонда энг тез югурувчи сўт эмизувчи ҳайвон саналади. Сабига 120 километргача тезликда югуради. Устюрт — Узбекистонда шу ҳайвон яшайдиган ягона жойдир.

◆ Баргсиз чўл ўсимлиги жузғуннинг ён илдизлари қўпича 20 метрга, ҳатто ундан ҳам ортиб кетади. Асосий илдизи эса 1,5-2 метр чўқуриликка кириб боради.

◆ Энг эртаги сазавот ўсимлиги редисқандир. У катталашиб илдизи мева ҳосил қилади.

◆ Энг иссиқсавар дарахт ёнғоқ ҳисобланади. У 300-400 йил яшайди.



Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

«Гуллар ва қушлар байрами»

Мирзо Улугбек номи маданият ва истироҳат боғида Халқ таълими вазирлиги, «Bioekosap» республика ёшларининг ўқув-ўқувчи мажмуаси, Табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда Бутунжаҳон ер кўни муносабати билан Республика ўқувчи-ёшларининг «Гуллар ва қушлар байрами» тadbiri бўлиб ўтди. Байрамда республикамизнинг барча вилоятларидан келган экомарказлар тўғрарак аъзолари ўзларининг ранг-баранг, қизиқарли кўргазмалари билан иштирок этдилар. Кўргазмалар намоёйиши бўйича биринчи ўрин — Жиззах вилояти экомаркази, иккинчи ўрин Фарғона ҳамда Қашқадарё вилоятлари экомарказлари, учинчи ўрин Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Наманган ва Сирдарё вилоятлари экомарказларига насиб этди.

Байрам дастуридан «Гуллар жилоси» деб номланган кўрик-танлов ҳамда катта байрам концерти ҳам ўрин олган эди. Унда «Bioekosap» Республика ёшларининг ўқув-ўқувчи мажмуаси тасарруфидида тўғрарак аъзолари иштирокида тайёрланган «Гуллар жилоси» кўрик-танлови барча йилгиланларда катта қизиқтириш уйғотди. Ҳаётда «Узмевабазавотузум» саноат-ҳолдинг компанияси, Табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси, «Bioekosap» мажмуасининг асдалиқ совғалари топширилди.

Байрам дастуридан кўриқ-танловнинг «Гуллар жилоси» деб номланган кўрик-танлов ҳамда катта байрам концерти ҳам ўрин олган эди. Унда «Bioekosap» Республика ёшларининг ўқув-ўқувчи мажмуаси тасарруфидида тўғрарак аъзолари иштирокида тайёрланган «Гуллар жилоси» кўрик-танлови барча йилгиланларда катта қизиқтириш уйғотди. Ҳаётда «Узмевабазавотузум» саноат-ҳолдинг компанияси, Табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси, «Bioekosap» мажмуасининг асдалиқ совғалари топширилди.

ТУМАНЛАРДА

Камчиликлар қайд этилди

Яқинда Миробод туманида жойлашган механизациялашган колониянинг бешинчи қорхонаси текширилди. Ушбу қорхонада 80 киши ишлайди, асосий иш фаолияти республика миқёсида электр линия қурилиш иши билан шуғулланади. Жойлашган майдони 0,91 гектар. Худудда электрощет, камера ямаш, аккумулятор бўлими, пайвандлаш мотор цехи, АЭКШ, бокслар, омборхона ва маъмурий бинолар бор.

Сувни шаҳар «Сувосоз» трестидан шартнома асосида олади. Сув қувурига 20 фойзлик сув ўлчагин асбоби ўрнатилган. Қорхона худудида канализация тармоғи йўқ бўлиб, чикинди сувлар махсус ўраларга қуйилади. Қорхонада автотранспортлар сони 36 та. Текширув натижасида қуйидаги камчиликлар аниқланди:

— қорхонада табиати муҳофазаси қилиш чора-тадбирлар режаси тузилмаган;

— атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқариш манбаси рўйхати йўқ;

— зарарли моддаларни атмосферага чиқариш рухсатномаси йўқ;

— яроқсиз люминисцент лампалар зарарсизлаштириш учун топширилмаган;

— автотранспортлардан чиқадиган зарарли газлар махсус ўлчаш асбобларида ўлчаганда нормадан ортиқ чикди.

Натижада айбдорларга қўмита нозирлари томонидан маъмурий жаза қўлланилди. Раҳбар ўринбосари А. Абдулаттопов 3500 сўм, бош механик Н. Олхонскийга 3500 сўм миқдорда жарима солинди.

Ундан ташқари бир неча бажарилиши керак бўлган ишлар ёзма равишда қайд қилиб ўтилди ва уларнинг бажарилиши мuddатлари аниқ кўрсатилди.

О. ТУРОБОВ,
давлат нозир.

Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси нозирлари шу йилнинг март ойи давомида жойларда бўлишиб текширувлар ўтказишди. Натижада бир қатор камчиликлар аниқланди, 79 та жавобгар шахсларга нисбатан 452080 сўм жарима солинди ва шундан 378440 сўми ундириб олинди.

Экология ТЕКШИРУВ кундалиги

□ Нозирлар «Текплас» қўшма қорхонасида бўлишганда бир қатор камчиликларга дуч келишди. Хусусан, қорхона давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасига эга бўлмаган экан.

Ушбу камчиликка йўл қўйгани учун қорхона механиги В.Артёмов 10290 сўм жаримига тортилди.

□ Хусусий тadbиркор К.Эгамбердиев эса сувдан фойдаланиш қоидаларини бузди. Шу сабабли у 10290 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

□ 2521-автокотолон бош муҳандиси М.Файзизжаев табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганилиги учун 10290 сўм жарима тўлади.

□ «ЕГД ОП-ПОГ» хусусий қорхонаси директори К.Эрдонов давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасисиз иш кўригган. Бу қилмиши унинг ҳамёнига 10290 сўм зарар келтирди.

□ «ЕМКЗ» акционерлик жамияти директори ўринбосари З.Низовнинг қилмиши ҳам қўмитага тўшди. У саноат чикиндиларини жойлаштириш чораларини ўз вақтида кўрмаганилиги учун 10290 сўм жаримига тортилди.

□ «Фарм-Гласс» қўшма қорхонасида бўлган нозирлар ушбу қорхонада атмосферага зарарли моддаларни чиқариш учун рухсатнома олинмаганилигини гувоҳи бўлишди. Шу боис улар қорхона бош муҳандиси Л.Кал-

лер ҳисобига 10300 сўм жарима ёзишди.

□ «Монтажтранс» қорхонасида ишдан чиққан люминисцент лампаларни ўз вақтида зарарсизлаштириш чоралари кўрилмаган.

Бу қилмиши ПТО бошлиғи В.Некрасовга 10 минг сўм зарар келтирди.

□ «Автотра» қорхонаси раҳбари томонидан давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси олинмаганилиги туфайли қорхона раҳбари 7 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

□ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ҳўжалик бошқармаси раҳбари М.Раҳмоновга 7 минг сўм жарима солинди. У яроқсиз люминисцент лампаларни зарарсизлаштириш чораларини кўрмаганилиги учун 10290 сўм жарима тўлади.

□ Тошкент халқаро аэропортида тўпланган чикиндиларда ифлослантирувчи моддалар меъёридан ортиқ бўлганилиги аниқланди. Бу ҳолатга йўл қўйганлиги қорхонанинг техник эксплуатация бошлиғи ўринбосари С.Брага 5 минг сўмлик зийн келтирди.

□ «Вертекс Ойл» қорхонаси катта оператори И.Азимов эса оқвада сувлардан фойдаланиш қоидаларини бузган. Шу сабабли у 7 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

□ «Қизилқум» артели устаси Д.Қим ердан ҳўжасизларча фойдаланиш, уни яроқсиз ҳолга тушириш ҳолатига йўл қўйганлиги сабабли 10290 сўм жарима тўлади.

Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Волевлар танлови

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Волевлар танлови

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази доимо кўчмас мулк, автотранспорт, уй-жой ери бўйича кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ўтказиб туради.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказида волевлар танловининг учинчи — шаҳар босқичи бўлиб ўтди.